

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ДОИР ҚАРАШЛАР

Холов Ақтам Хатамович,

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси катта илмий ходими**

E-mail: aktam-xolov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарларида бошқарув қарорларини қабул қилишга доир қарашлар таҳлил қилинган. Шунингдек, бошқарув қарорларига қўйиладиган замонавий талаблар, самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонлари тадқиқ этилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются взгляды Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на предмет принятия управленческих решений. А также, исследуются современные требования и критерии эффективности принимаемых управленческих решений.

Anotation: This article examines the views of the first President of the Republic of Uzbekistan, Islam Karimov, on the issue of making managerial decisions. And also, modern requirements and criteria of efficiency of the accepted administrative decisions are investigated.

Калим сўзлар. Ислон Каримов, концепция, президент, бошқарув қарорлари, жараён, бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар, қарор қабул қилиш мезонлари, демократия, давлат бошқаруви, қонун, самарадорлик, тизимли таҳлил.

Кириш

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар қандай бошқарувда самарадорликка эришиш оптимал бошқарув қарорлари қабул қилишга боғлиқ. Бугунги кунда бошқарув қарорларини қабул қилишга доир турли хил ёндашув ва қарашлар мавжуд. Бошқарув қарорларини қабул қилишга доир назария ва концепцияларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг устуворлиги бошқарувда турли хил вазиятларда қарор қабул қилиш жараёнидаги мураккабликларни бартараф этиш муқобилларини кўплиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш борасида кўпгина қарашлар мавжуд. Лекин аксарият тадқиқотларда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида бошқарув қарорларининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, унинг мазмун-моҳиятини бугунги кун воқелиги, замонавийлик ва анъанавийлик уйғунлиги нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 24 жилдлик асарларида илгари сурилган концептуал қараш ва ғояларни ўрганиш орқали

бошқарув қарорлари қабул қилишга қўйиладиган талаблар ва асосий мезонларни ёритиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган пайтдаёқ - “Илм-фан ходимлари ҳам ўз масъулиятларини тўла тушуниб олишлари керак. Олимлар ишламай роҳатда яшайдиган, фақат маъмурий-буйруқбозлик системаси тайёрлаган қарорларга назарий пардоз берадиган вақтлар ўтиб кетди.

Эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатидан янги технологияларни жадаллик билан яратиши, жамиятнинг янги ҳолатга ўтишини таъминлаши лозим”[1], деб таъкидлаган эди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

XX асрнинг иккинчи ярмида кибернетика, бошқарув психологияси, иқтисодиёт, менежмент, математика ва ҳарбий соҳаларда бошқарув қарорларини қабул қилишга доир назариялар ривожлантирилди. Бу борада мавжуд илмий-амалий тажрибани умумлаштириш асосида бошқарув қарорларига доир назарияларни қўйидаги шаклда тизимлаштириш, гуруҳлаштириш мумкин:

- бошқарув қарорларининг илмий-амалий тадқиқ этувчи услубий назариялар;

- бошқарув қарорлари қабул қилишнинг турли даражадаги иерархик структураларини ташкилий жиҳатларини ўганувчи ташкилий назариялар;

- бошқарув қарорларининг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи мезонлар, иқтисодий омиллар ва ресурсларни таҳлил қилувчи иқтисодий назариялар;

- қарор қабул қилишга кўмаклашувчи дастур ва технологиялар тизимини тадқиқ этувчи технологик назариялар;

- бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилувчи ҳуқуқий назариялар;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда инсон омилини ўрганишга қаратилган ёндашувларни ўз ичига олган ижтимоий-психологик назариялар.

Анъанавий бошқарув қарорлари қабул қилиш назариялари учта концепция асосида ривожланади: 1) тавсифловчи ёндашув: сифат-предмет концепцияси; 2) норматив ёндашув: қарорни математик танлаш концепцияси; 3) комплекс таҳлил концепцияси [2].

Тавсифловчи ёндашув (сифат-предмет концепцияси) асосан раҳбар кадрлар (одамлар жамоаси) ва эмпирик тадқиқотларда бошқарув қарорлари қабул қилиш асосини ташкил қилади. Мазкур концепция бошқарувчиларнинг хулқ-атвори, бошқарув қонуниятлари, бошқарув қарорларининг ижтимоий-психологик моделини тавсифлайди. Яъни сифат кўрсаткичларига асосланган концепция (тавсифловчи ёндашув)нинг мақсади – қарор қабул қилувчи субъектга муаммонинг вужудга келиш сабаби ва унинг параметрларини аниқлаш имконини беради. Одатда тавсифловчи ёндашув (сифат-предмет концепцияси)га кўра қарор қабул қилувчи субъект (қарор қабул қилувчи шахс) роли кучли бўлади, яъни умумий тассавурлар ҳам ҳисобга олинади.

Қарорни математик танлаш концепцияси рационал қарор қабул қилишнинг ташкилий-методологик асосларини ёритиш эмас, балки оптимал қарор қабул қилиш, шунингдек, ноаниқлик шароитида энг самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имокниятини берувчи математик моделлар (математик усул ва алгоритмлар)ни ўз ичига олади. Шунингдек, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг иқтисодий-математик ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлади. Одатда қарор қабул қилиш жараёнида иштирокчилар сони чекланган, асосан математиклар, кибернетиклар фаолиятида намоён бўлади.

Комплекс таҳлил концепцияси бошқарув қарорларини қабул қилишда барча жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шунингдек, барча соҳа мутахассислари ҳамкорликда ишлаши талаб этилади. Мазкур концепцияда қарор қабул қилишда самарадорлигини белгиловчи мезонлар фақат миқдор кўрсаткичлар (Quantitative indicators) билан эмас, балки сифат кўрсаткичлари (qualitative indicators) билан ҳам баҳолади. Бошқарув қарорлари қабул қилишда муаммонинг барча хусусиятларини комплекс ўрганишга қаратилган усул ва услублардан фойдаланилади.

Жаҳон фани бошқарув қарорларини қабул қилиш назарияси билан боғлиқ нуфузли илмий салоҳиятга эга. Хусусан, В.Н. Спицнадельнинг “Самарали қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиёти”, О.И.Ларичевнинг “Қарорлар қабул қилиш назарияси ва услублари» ҳамда Э.А.Смирновнинг «Бошқарувга оид қарорлар» китобларида қарорлар қабул қилиш жараёнига оид назарий фикрлар ва амалий кўрсатмалар салмоқли ўрин эгаллаган.

Ўзбекистонлик иқтисодичи олимлардан М. Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Д.Рахимова, К.Тожибоев, А.Кўчқоров, Х.Тошматов, И.Саифназаров, О.Абдуллаев томонидан менежмент фани доирасида бошқарув қарорларига оид қараш ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, асосан бошқарув қарорлари турлари, қарор қабул қилиш босқичлари, бошқарув қарорлари хусусиятлари, уларга қўйиладиган талаблар хусусида фикр юритилган.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонлари, қарор қабул қилиш босқичлари, қарор қабул қилишда амал қилиниши лозим бўлган тамойил ва қонуниятлар ҳақидаги қарашлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тизимли таҳлил этилмаган.

Таъкидлаш жоизки, демократия қарорларнинг халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда қабул қилинишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, давлат даражасидаги қарорларнинг қабул қилинишида фуқароларнинг фаол иштирок этишини шартлаб қўяди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жамият аъзоларининг дунёқараши ва тафаккурининг ўзгараётганлиги, уларнинг онгидан демократик кадриятларнинг ўрин олаётганлиги, уларнинг ўз салоҳиятига ишончи тобора ортиб бораётганлиги эса бу борадаги вазифаларни бирмунча енгиллаштиради.

Давлат даражасида қабул қилинган қарорларнинг жамият ҳаётига кучли таъсир қилишини инобатга олсак, қарорларнинг қонунийлиги, пухталиги, умуминсоний ва миллий кадриятларга мослиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини белгиловчи омиллардан эканлиги маълум бўлади.

Ҳар қандай даражадаги ва ҳар қандай кўламдаги сиёсий фаолият бошқарув қарорларини қабул қилишдан бошлангани боис, сиёсий қарор бошқарувнинг марказий элементи саналади. Зеро, бошқарув қарорлари аниқ натижага эришиш мақсадида сиёсий тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган. Шу боисдан, давлат қарорларини қабул қилиш масалалари, оқилона ва самарали қонунлар қабул қилиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш жараёни доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини менежмент фанининг фундаментал қонунлари, бошқарув қарорлари қабул қилиш концепциялари, қонуният ва принциплари, бошқарув қарорлари қабул қилишга доир тадқиқот олиб борган хорижий олимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 24 жилдлик асарлари контенти тизимли ва комплекс ёндашув, анализ ва синтез, контент таҳлил, функционал таҳлил ва қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усуллари орқали ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари асосида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш давлат бошқарувида самарали қарор қабул қилишнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини модернизациялаш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат бошқарув қарорларининг ўрни ва ролини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг йигирма тўрт жилдлик асарлари ва бошқа рисола, китобларида бошқарув қарорларига доир қараш ва фикрлар мазмунини ўрганиш “комплекс таҳлил” концепция талабларидан келиб чиқиб, ёндашишни тақозо этади.

Глобаллашув шароитида замонавий раҳбар самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини билиши, ўз фаолият соҳасидаги муаммони ҳал этишга тизимли ёндашиши, танқидий таҳлил, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларга эътибор қаратиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари асосида давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилишнинг демократик негизларини тадқиқ этишнинг долзарблиги қатор объектив сабаблар билан изоҳланади.

Биринчидан, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини эътиборга олган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинаётган қарорларни изчил ўрганиш - давр талаби.

Иккинчидан, давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бошқарув қарорлари қабул қилиш бугун ҳаётий заруратга айланмоқда.

Учинчидан, мустақиллик даврида мамлакатимизда қабул қилинаётган бошқарув қарорлари моҳиятини таҳлил қилиш Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мантиқини тушуниш ва истиқболли йўналишларни белгилаш имконини беради.

Тўртинчидан, аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги, улар томонидан қарор ижросининг назорат қилинишида, бошқарувдаги иштироки келгусида ҳамжамият олдида жавобгарлик ҳиссини уйғотишга замин яратади.

Ислом Каримов бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилишини демократиянинг асосий мезонларидан бири эканлиги билан изоҳлайди. Барча сиёсий ўзгаришларнинг асоси бўлган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш жараёни бир қанча бўғинларни ўз ичига олади. Биринчи ана шундай бўғин сифатида сиёсий қарорлар қабул қилувчи муассасаларга фуқароларнинг сиёсий манфаатларини тақдим этиш босқичини кўрсатиш мумкин. Бу ерда манфаатларни бир тизимга солувчи турли хил уюшмалар, фуқаролар сиёсий иштирокининг турли шакллари намоён бўлади. Сиёсий жараённинг иккинчи босқичи қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан белгиланади. Сиёсий жараённинг учинчи босқичи қарорларни амалга ошириш ҳисобланади.

Фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда бевосита ёки ўз гуруҳлари манфаатлари воситасида кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг кафолатларидан биридир. Шу боис Ислом Каримов фуқароларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишдаги иштирокига алоҳида аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган. Бунинг учун Ўзбекистонда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Эндиликда фуқаролар ўзларининг сиёсий ирода ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этиб боришлари лозим. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсад мувофиқ:

“Биринчидан — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчидан — сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш [3]. Шунингдек, қарорлар қабул қилишда аҳоли, маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат, бир ёқадан бош чиқариб иш тутиш, одамларни бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор қилиб бориш ҳозирги даврнинг энг муҳим талабларидан биридир[4].

Умуман, бошқарув қарорлари самарадорлигини белгилашда энг асосий омил аҳолининг турмуш даражаси ва сифатидагидаги ўзгаришлар, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизминини жорий этиш [5]да ҳар бир раҳбар иш фаолиятида кенг миқёсда фикр юритиш, қарор

қабул қилишда масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари бўлиши талаб этилади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонлари
Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг барча асарларида бошқарувнинг барча бўғинидаги раҳбар кадрлар халқчил қарорлар қабул қилиши, қарорлар натижаси “шахс – жамият - давлат” манфаатлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлиги ҳақидаги концептуал ғоя ётади.

Ислом Каримов асарларида **бошқарув қарорлари қабул қилишга қўйиладиган талаблар**ни тизимлаштирсак, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- қабул қилинаётган қарорлар мамлакат конституцияси ва қонунларга зид келмаслиги, қонуний асосга эга бўлиши, яъни “Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади” [6];

- қабул қилинган бошқарув қарорлари амалга оширилаётган ислохотларда намоён бўлиши, шунингдек, муаммоли вазиятни конструктив бартараф этиши лозим;

- бошқарув қарорлари аниқ мақсадга йўналганлиги, “шахс - жамият - давлат” манфаатларига мос келиши;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда барча ҳудудлар манфаатларининг ҳисобга олиниши, ижро механизми белгиланган бўлиши;

- давлат бошқарувининг барча бўғинларида бошқарув қарорлари қабул қилишда муаммонинг ретроспектив жиҳатларига эътибор қаратиш, уни тизимли таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисоблади. Яъни, қабул қилган қарорларимизнинг туб моҳиятини тарихий илдизларимиз, хусусиятларимиздан изласак тўғри бўлади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бир сўз билан айтганда, халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор булган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур” [7].

- ҳар қандай жараёнда бошқарув қарорлари ўз вақтида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, яъни “шу билан бир вақтда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сусткашлик қилиш, тегишли қарорларни вақтида қабул қилмаслик иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги шундоқ ҳам қийин аҳволни янада оғирлаштириб қўйиши мумкин” [8].

- Ислом Каримовнинг “Ҳар қандай инқилобий қарор жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради” [9] деган фикрлари қарор қабул жараёни босқичма-босқич, тадрижий амалга оширилишини талаб этади.

Бошқарув қарорларига доир назариялар дастлаб менежмент фани объекти сифатида ривожланиб, кейинчалик, барча фан соҳаларида алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ҳар қандай бошқарув қарорлари қабул қилиш марказида инсон омили туриши, қарорлар натижаси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак деган ғоя ётади.

Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг мавжуд моделларини ривожлантириш аҳолининг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилиши лозим бўлган, умумэътироф этилган демократик кадрият сифатида эътироф этилади. Буни Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари орқали изоҳлашимиз мумкин: “Аввало, инсон омили ўзи нима, деб сўраса, мен кишилик тарихида, жумладан, Ватанимиз тарихида барча моддий, маданий бойликларнинг бунёдкори, таракқиётнинг етакчи кучи сифатида намоён бўладиган инсоннинг, халқимизнинг куч-қудрати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, салоҳиятига алоҳида эътибор қаратган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, тарихда халқнинг, Ватаннинг истиқболи, иқболи қандай бўлиши ҳақида чуқур ўйлаб, бу масаланинг турли томонларини ўзига тасаввур қилиб, тўғри қарор қабул қилишда, авваламбор, инсон ҳал қилувчи куч бўлган [10]. Бу ўринда бошқарув қарорлари жамиятда мавжуд кадриятлар доирасидаги инсон томонидан амалга ошириладиган онгли фаолият сифатида намоён бўлади. Бу жараённинг натижасини 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси [11]да белгиланган устувор вазифаларда ҳам куришимиз мумкин.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнини турли босқичларда (муаммони (мақсадни) белгилаш, қарорнинг муқобилларни аниқлаш, муқобилларни қиёслаш ва баҳолаш, қарорни танлаш ва татбиқ этиш, қарор

ижросини назорат қилиш) амалга оширилади. Ислом Каримов ўз асарларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ҳар бир босқичида раҳбар кадрлар амал қилиши лозим бўлган ўзига хос жиҳатларни қуйидагича баён этади (1-жадвал).

1-жадвал

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида раҳбар кадрлар амал қилиши лозим бўлган жиҳатлар

<i>Раҳбар кадрлар амал қилиши лозим бўлган жиҳатлар</i>	<i>Ислом Каримов қарашилари ва гоёлари</i>
<i>Масъулиятлилик</i>	Масъулиятдан кўркмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим [12].
<i>Танқидий таҳлил қила олиши</i>	Мен табиатан ҳамма нарсага, барча қилинаётган ишларга танқидий кўз билан қарайдиган одамман. Бу шубҳаланиш эмас, балки ўз-ўзини танқид қилиш, қабул қилинган қарорни яна ва яна таҳлил қилиб кўришга интилишдир [13].
<i>Қатъий қарорлар қабул қила олиши</i>	Ниҳоят, бугун замоннинг ўзи, ҳаётнинг ўзи биздан бу йўлда янги, янада аниқ, қатъий қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда. Биз янги аср бўсағасида, янги минг йиллик арафасида турибмиз. Бизнинг келажакимиз, бизнинг олдинга интилишимиз, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни бугунги кунда кўп жиҳатдан туб ўзгаришларни тақозо этаётган замон талабларига мос келадиган қарорлар қабул қилиш йўлида қандай қадамлар қўйишимизга боғлиқ [14].
<i>Давлат, жамият ва халқ манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилиши</i>	... ҳар қандай қарор қабул қилишда, энг аввало, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашни асосий шарт деб, қўйишимиз даркор. Иккинчидан, табиийки, ўзини мустақил ва суверен, деб ҳисоблайдиган ҳар қайси давлат ва унинг ўз халқи олдида жавоб берадиган раҳбари давлат, жамият ва халқ манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишга ҳақлидир [15].
<i>Халқчил қарор қабул қилиши</i>	Агар ҳукумат одамларнинг кайфияти, уларнинг орзу-интилишларини ҳис қилиб турса, халқ бугун нимани хоҳлаётгани ва эртанги кунга қандай режалар билан яшаётганини, қандай қарорлар халққа ёқиши ва унинг томонидан қўллаб-қувватланиши, қандай қарорлар эса аҳоли тарафидан рад этилишини билса, бир сўз билан айтганда, агар давлат билан халқ бир-бирини тушунса, бундай мамлакатда ҳар қандай ташқи таъсир ва аралашувлар ҳам ҳеч нарса қилолмайди [16].
<i>Минтақавий ва халқаро даражада қарорлар қабул қилишда консенсус принципига таяниши</i>	Биз барчамиз яхши тушунамизки, айрим давлатларнинг халқаро ва минтақавий тараққиётга доир долзарб масалаларга нисбатан турлича, баъзан бир-бирига мутлақо зид ёндашувлари ҳисобга олинадиган бўлса, биринчи навбатда, ташкilot кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда консенсус, яъни, умумий келишувга эришиш оғир ва қийин бўлади. Амалда ўзини оқлаган бу принципга сўзсиз риоя этиш ташкilotимиз фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайди, унинг пароканда бўлиб кетиши, «манфаатлар бўйича гуруҳлар» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган баҳс ва келишмовчиликларни бартараф этади [17].

Бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимлашган жараён ҳисобланади. Раҳбар томонидан қандай қарор қабул қилиниши унинг шахсий фаолиятига


таъсир қилади, зеро, бу ўзгалар фаолияти билан боғлиқдир. Қарорлар қабул қилиш жараёни орқали раҳбар ва ходимларнинг фаолият йўналиши белгилаб олинади. Раҳбарнинг бошқарувчилик фаолияти давомида кўплаб қарорлар қабул қилишига тўғри келади, бу – вазият тақозоси. Қарор қабул қилиш кўп жиҳатдан раҳбарнинг ва ушбу жараёнга ҳисса қўшаётган мутахассисларнинг қобилиятига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жамоатчиликнинг соғлом, холис ва талабчан гражданлик позициясигина кўпгина ўзбошимча маъмурларни ҳозирги ва келажак авлодга қимматга тушаётган қарорларни ўйламасдан қабул қилишдан тўхтатиб қолиши мумкин” [18].

Бошқарув қарорлари қабул қилиш ҳақида гапирганда яна бир нарсага эътибор бериш керак, яъни бошқарув жараёнининг мураккаблашиши натижасида индивид томонидан қарор қабул қилиш жамоа кўринишини олади. Чунки мураккаб масалани ҳал этиш жараёнида юки раҳбарнинг ўзига оғирлик қилади. Шунинг учун раҳбар жавобгарликни кўпчилик ўртасида тақсимлашга мажбур бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор” [19].

Бугунги кунда бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш, уни барча бўғиндаги бошқарув кадрлар фаолиятида самарали қўллаш усуллари ўрганиш заруратини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли китобларида келтирилган раҳбар кадрлар фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида учрайдиган қуйидаги муаммолар билан изоҳлашимиз мумкин (2-расм):

Барча бўғиндаги раҳбар кадрлар фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш мумимосини ўрганишнинг долзарблиги шундаки, мамлакатмизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотларнинг самарали яқун топиши бошқарув кадрларнинг устувор вазифаларни ижросини таъминлаш борасида қабул қилган қарорларига боғлиқ.

Давлат даражасида қабул қилинган қарорларнинг жамият ҳаётига кучли таъсир қилишини инобатга оладиган бўлсак, қарорларнинг қонунийлиги, пухталиги, умуминсоний ва миллий қадриятларга мослиги давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини белгиловчи омиллардан эканлиги маълум бўлади.



2-расм. Раҳбар фаолиятида самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилиниш сабаблари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда мустақиллик даврида шаклланган давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашнинг демократик кадриятлар асосида такомиллашиб бориши жараёни ўрганиш, истиқлол йилларида давлат бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама ёритиш ҳамда бунинг натижасида эришилган ютуқларни жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон ҳамма вақт ўзига хос маданиятга, ҳамма вақт соғлом фикрловчи кишиларга эга бўлганини, энг оғир вазиятларда ҳамма вақт халқимизнинг донолигига, ақл-заковатига, қалб саховатига таянган ҳолда керакли ва тўғри қарорлар топа олганини бутун дунёга айтиш керак” [20].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Илом Каримов асарларида илгари сурилган концептуал ғоялар асосида бошқарув қарорлари қабул қилишга қўйиладиган талабларни ўрганиш истиқболда бошқарув

қарорлари самардорлигини белгиловчи мезонларни тўғри белгилаш имконини беради.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижроси сифатини яхшилаш, бу жараёни такомиллаштириб бориш, бошқарувда самардорликка эришиш зарурати оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнини илмий ўрганишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларини тадқиқ этиш бизга куйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

Биринчидан, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнини тизимли ўрганиб бориш бошқарув шароитларига мос равишда қарорлар қабул қилиш, уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, қарор натижаларини боҳолаш мезонларини тўғри белгилаш имкониятини кенгайтиради.

Иккинчидан, бошқарув қарорларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнига ҳос умумий камчиликларни бартараф этиш, қарорлар ижросини ташкил этишнинг самарали усулларини жорий этишнинг ғоявий-концептуал асосларини белгилаб беради.

Учинчидан, мамлакатимизда қабул қилинаётган бошқарув қарорлари моҳиятини таҳлил қилиш Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мантиқини тушуниш ва истиқболли йўналишларни белгилаш имконини беради.

Тўртинчидан, Ислом Каримов асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида бошқарув самардорлигига эришиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 80-б.
2. Литвак Б.Г. Управленческие решения. – М.: Ассоциация авторов и издателей «ТАНДЕМ», Издательство ЭКМОС, 1998. – 248 с.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005. 180-181 б.б.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005. 281-б.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2003. 314-б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. 320-б.
7. Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 388-б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. 318-б.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 316- б.
10. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2012. 259 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова.
12. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 93-б.
13. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 243-б.
14. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд -Т.: Ўзбекистон, 2000. 364-б.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 144-б.
16. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 332-333-б.
17. Каримов И.А. Демократик ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг устуворлигини таъминлашга кенг йўл очиб бериш – ватанмиз тараққиётининг бугунги босиқичида ҳал қилиувчи омилдир. т.24. -Т.: Ўзбекистон, 2016. 298-б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.118-119 –б.б.
19. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 78-б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 390 - б.